



**NAMANGAN
VILOYATI
HOKIMLIGI**



O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi



O'ZBEKISTON
SAVDO-SANOAT
PALATASI

**Наманган вилояти ҳокимлиги,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши,
Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят
ҳудудий бошқармаси ўртасида
2026-2028 йиллар учун тузилган**

ҲУДУДИЙ ЖАМОА КЕЛИШУВИ

Наманган шаҳри - 2026 йил

**Наманган вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси
Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасидаги тузилган**

ҲУДУДИЙ ЖАМОА КЕЛИШУВИ

Наманган вилоят ҳокимлиги (*бундан буён – “Ҳокимият”*), Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши (*бундан буён – “Кенгаш”*) ва Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят бошқармаси (*бундан буён – “Иш берувчи”*) кейинги ўринларда “Тарафлар” деб аталувчи мухтор вакиллар тимсолида:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига амал қилиб;

Ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатлари муштараклигини эътироф этиб;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси ҳамда “Ўзбекистон - 2030” стратегиясига амал қилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2025 йил 17 октябрда Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан бўлиб ўтган учрашувида берилган топшириқларни ижрога қаратган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган:

иқтисодий янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, иқтисодий салоҳиятни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлиги ва фаолияти самарадорлигини кучайтириш асосида аҳоли турмуш даражасини кўтариш вазифаси сўзсиз бажарилиши лозимлигини тасдиқлаб;

давлат, иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий масъулияти ва улар ўртасидаги ижтимоий мулоқот муҳимлигини эътироф этган ҳолда;

ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ҳаёт даражасини муттасил ошириб бориш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаш борасида самарали ҳамкорликни кучайтириш мақсадида ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб;

ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боришнинг асосий йўналишларини ва ходимларнинг вилоят учун умумий бўлган меҳнат шартларини, кафолатлари ва имтиёзларини белгилаб берувчи мазкур Худудий жамоа келишувини туздилар (*бундан буён “Келишув”*) ва ўз зиммаларига қуйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни олдилар.

I. Иқтисодиётни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сўзсиз бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида Тарафлар келгуси даврда қуйидагиларни ўта муҳим деб ҳисоблайдилар:

1. Мамлакатимизни Жаҳон савдо ташкилоти аъзолигига кириши муносабати билан иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш, саноатни ва ташқи савдони диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, тайёр маҳсулот экспортини рағбатлантириш билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш чораларини жорий этиш ҳисобига миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва барқарорлигини оширишга доир ишларни ҳамкорликда олиб бориш.

2. Иқтисодиётда хусусий мулк улушини ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, фаолиятнинг барча соҳаларида давлат иштирокини камайтириш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштириш.

Бунда иқтисодиётнинг реал секторидаги маҳаллий корхоналар ва инновацион корхоналар учун қулай кредитлашни таъминлаш, шу жумладан, импорт ўрнини босиш ва технологик суверенитетни таъминлаш соҳасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

3. Бюджет сиёсати инсон капиталининг ўсишини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, иқтисодий ва ижтимоий тенгсизликни камайтириш, вилоят иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантириш ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган бўлишини таъминлаш.

4. Вилоят иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш ва ялпи худудий маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом

эттириб, саноатда ишлаб чиқариладиган технологик маҳсулотлар улушини 35 фоизга етказиш.

5. Саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 3,0 млрд. АҚШ долларига етказиш ва 100 мингта доимий иш ўринларини яратиш.

6. Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 2 баробарга ошириш.

7. Рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2,5 фоизга оширишга қаратилган ишларни олиб бориш.

8. Вилоятда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш.

9. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш.

10. Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали 1 гектардан олинадиган ўртача даромадни йилига 2,5 минг АҚШ долларига етказиш.

11. Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.

12. Вилоятни муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш.

Бунда туман, шаҳар ижтимоий инфратузилма тизимларини ривожлантириш мақсадида инвестиция дастурлари доирасида 40,1 км газ қувурлари, 5 та ичимлик суви иншооти, 85,5 км ичимлик ва оқава сув тармоғи, 85,5 км ички йўл инфратузилмасини таъмирлаш ҳамда мавжуд мактабгача ва мактаб таълими муассасаларини таъмирлаш, янгиларини барпо этиш ва тизимли амалга ошириш.

13. Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, туман ва шаҳарлар ўртасида кунлик жамоат транспорт қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини ривожлантириш.

14. Тенг рақобат шароитларини яратиш мақсадида саноат, савдо, қурилиш, фармацевтика ва транспорт соҳаларидаги ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини соядан чиқаришга кўмаклашиш.

15. Давлат харидлари бўйича тендер комиссиялари ишига тегишли касаба уюшмалари ташкилотлари вакилларини маслаҳат овози ҳукуқи билан жалб қилиш.

II. Норма ижодкорлиги ишларида иштирок этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш

Норма ижодкорлик фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий ҳимоя механизмларидан самарали фойдаланиш йўли билан ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

16. Ходимларнинг меҳнат ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тегишли касаба уюшмаси ёки Кенгаш билан келишишни таъминлаш. *(Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддаси).*

17. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини амалиётда қўллаш борасида қуйидагиларни биргаликда амалга ошириш:

меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқишда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида ёки янги нормаларни ишлаб чиқишда таклифлар билан иштирок этиш;

иш берувчи ва ходим ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилишда касаба уюшмаларининг яраштирувчи, муросага келтирувчи бўғин сифатида тан олиш.

18. Ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш, сайёр қабулларни жорий этиш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан Қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш.

19. Меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида касаба уюшмаларининг барча бошқарма ва идоралар ҳамда палата билан тизимли ҳамкорлигини таъминлаш.

20. Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича киритган тақдимномаларини иш берувчилар *(уларнинг бирлашмалари)* кўриб чикмаганда ёки ундаги талабларни бажаришни асоссиз рад этганда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси Давлат

меҳнат инспекциясига берилган қонуний ваколатларни қўллаган ҳолда кўмаклашади.

21. Агарда қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ташкилотларда касаба уюшмаси қўмитаси мавжуд бўлган барча ҳолларда касаба уюшмалари органларига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган, Касаба уюшмалари органларига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ва Касаба уюшмалари органларига сайланган ходимларга интизомий жазо чораларини қўллаш ҳамда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишда Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари тўғрисидаги Қонунининг 15-, 16- ва 17-моддаларида назарда тутилган меҳнатга оид қўшимча қафолатланишини таъминлаш.

22. Ходимлар, иш берувчилар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий саводхонлигини ошириш.

23. Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик жамиятларининг инсон ресурслари билан ишлашга масъул таркибий тузилмаларининг янги тайинланган раҳбар ва ходимларини ҳар йили меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича малакасини ошириш учун кенгаш маблағи ҳисобидан семинарлар ўтказиш.

24. Халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ташкилотларда ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш.

25. Давлат меҳнат инспекцияси ҳамда касаба уюшмаларининг инспекциялари тизимини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳамкорликда ишлашини кучайтириш.

26. Сунъий интеллект технологияларини жорий этган иш берувчиларда қисқартиришга тушган ходимларни замонавий соҳа ва мутахассисликларга қайта ўқитиш чораларини кўриш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. Натижада иш ўринларини йўқотаётган ходимларни бошқа касбларга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш.

27. Тарафларнинг ҳар биридан 5 нафардан иборат вакиллари таркибида ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш бўйича юзага келадиган муаммоли масалалар бўйича маслаҳат кенгашини тузиш.

28. Ходимларни оммавий равишда ишдан озод этилиши кутилаётганда, иш берувчининг бундай қарорини тўхтатиб туриш ҳақида касаба уюшмаси маҳаллий ҳокимият органига киритган таклифини бажарилишини таъминлаш.

III. Меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва аҳолининг турмуш даражаси

Тарафлар келгуси даврда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб боришни, вилоят фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Бу мақсадда Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

29. Мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини оширишга, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида меҳнат ҳақи улушини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга доир чоралар кўриш.

30. 2026–2028 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида йиллик инфляция даражасини 5 фоиздан ҳамда фискал тақчилликни 3 фоиздан ошмаслигини таъминлаб бориш, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича амалий чораларини доимий равишда кўриб бориш.

31. Хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилашни жамоа шартномалари ва келишувлари орқали амалга ошириш.

32. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимидан тарифсиз тизимларига ўтишни тегишли тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги бўлинмаси билан олдиндан келишиб олинишини ҳамда ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI)ни баҳолашга бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти сайланма органи вакиллари жалб этилишини таъминлаш.

33. Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда:

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисидаги Низом” талаблари;

кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилиши;

Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низом (*рўйхат рақами 3130, 2019 йил 23 январь*) талабларини бажарилишини таъминлаш.

34. Хотин-қизлар ва эркеклар иш ҳақи ўртасида гендерга асосланган фарқли ҳолатларни ўрганиш ва бундай ҳолатлар аниқланганда, уларни бартараф этиш чораларини кўриш.

35. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдorigа риоя этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари касаба уюшмаси қўмиталари билан келишувга биноан белгиланиши, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўйилмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

36. Иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизлар (*пулли компенсация*) билан бирга тўланишини давлат меҳнат инспекцияси ва касаба уюшмалари меҳнат инспекциялари томонидан назоратга олиш.

37. Иш ҳақини ўз вақтида тўлаш масаласини вилоят ҳокимлиги даражасида мунтазам равишда кўриб чиқиш ва зарур ҳолларда иш ҳақидан қарздорликни тўлиқ бартараф этиш чораларини кўриш.

38. Иш берувчиларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касаба уюшмаси қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи ходимга унинг ойлик (*лавозим*) маошининг (*ишбай ҳақ тўланадиган ходимнинг эса ўртача ойлик иш ҳақининг*) камида 20 фоиз миқдorida кўшимча ҳақ тўлашни тавсия этиш.

39. Касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат малака даражасини ҳамда меҳнат шароитларини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланилиши устидан тизимли жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

40. Иш берувчи ўзининг манфаатини кўзлаб ходимнинг асосий вазифасидан бошқа топшириқни бажарган вақтига, унинг ўртача иш ҳақини тўлаш.

IV. Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш

Меҳнат бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг юксалтирилишини ўз мақсади деб эътироф этган ҳолда Тарафлар янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида кучларни бирлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар ва қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

41. Бандлик йўналишлари, тармоқлар ва ҳудудлар кесимида аҳоли бандлиги йиллик дастурларини ижтимоий шериклар иштирокида ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш. Бунда барқарор иш ҳақини ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринлари, айниқса қишлоқ жойларида яратилишига, иш ўринларини ташкил этаётган иш берувчиларни янада рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш.

42. Ҳар йили аҳолини доимий иш билан банд қилиш манзилли дастури асосида 80,3 минг нафар ишсиз аҳолини доимий иш ўринларига жойлаштириш бунда соҳа ва тармоқларлар кесимида:

Йирик ва ҳудудий инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига 26,6 минг нафар;

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида яратиладиган иш ўринлари ҳисобига 23,2 минг нафар;

Банклар ўз мижозлари билан учрашиш ва муаммоларини ҳал қилиш ҳисобига 21,3 минг нафар;

Бўш иш ўринларини (мавжуд вақанцияларни) тўлдириш ҳисобига 10,5 минг нафар;

Қишлоқ хўжалиги йўналишида яратиладиган доимий иш ўринлари ҳисобига 6,5 минг нафар;

Қурилиш соҳасида яратиладиган доимий иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳисобига 2,3 минг нафар иш ўринларини яратиб аҳолининг ишсиз қатламини бандлигини таъминлаш.

43. Норасмий секторда банд бўлган аҳоли улушини жами, банд аҳоли (ташқи миграцияга кетганлар бундан мустасно) сонига нисбатан 30 фоизгача қисқартириш.

44. Иқтисодийнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом (*рўйхат рақами 2173, 2010 йил 28 декабрь*) талаблари бажарилишини назоратга олиш.

45. Ўзини ўзи банд қилганларни ва яқка тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, мақсадли жамғармалардан олинган субсидиялар ва кредитлардан (ёки тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа чора-тадбирлардан) фойдаланиш самарадорлигини ҳамда улар яратган иш ўринлари самарадорлигини мониторинг қилиш.

46. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг услубиёти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг 5 фоизидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш..

Жумладан, 2026 йилда вилоят бўйича 19 мингта оила ва 75 минг нафар аҳолини даромадли иш билан таъминлаш ҳисобига босқичма-босқич камбағалликдан чиқариш ва туманларни камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш ва бу борадаги ишларни тизимли давом эттириш.

47. Олий, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бор шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

48. Меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлашни, таълим муассасалари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилиши ва иш ўринларида қўнимлилиги таъминланиши учун иш берувчиларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.

49. Ижтимоий шериклар томонидан бандликнинг беқарор турларида банд фуқаролар ҳуқуқлари таъминланишига, хусусий бандлик агентликлари фаолияти устидан давлат ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга, касаба уюшмаларининг ҳамда Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят бошқармасининг вакилларини ҳокимликлар ҳузуридаги тегишли ишчи комиссиялар таркибига жалб этилишига кўмаклашиш.

50. Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатилган ходимларнинг қонуний

хуқуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

51. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим агентлигининг Наманган вилоят бошқармаси томонидан ишлаб чиқариш корхоналарида малакали кадрларга эҳтиёж юқорилигини инобатга олган ҳолда долзарб касблар (*пайвандчи, электромонтёр, турли дастгоҳларни ишлатиш бўйича мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мутахассислар ва ҳ.к.*)га тайёрлаш бўйича қисқа муддатли инновацион ўқув курслар тармоғини кенгайтириш ва улар орқали 6,5 минг нафар ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни қамраб олиш.

52. Касбий таълим олишнинг дуал шаклини жорий этиш ва ишлаб чиқаришда “Устоз-шогирд” тизимини рағбатлантириш.

53. Норасмий секторда банд бўлганларнинг камида 10 фоизини иш жойини йўқотишдан ижтимоий суғурталаш билан қамраб олиш.

54. Ёшлар, аёллар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун инклюзив ва адолатли иқтисодий ўсиш натижасида яратилган бандлик ва муносиб меҳнат имкониятлари тўғрисида аҳоли ўз вақтида ва ҳолисона хабардор қилинишини таъминлаш.

55. Ёшлар, хотин-қизлар ва банд бўлмаган аҳоли ўртасида касбга йўналтириш механизмларини тарғиб қилиш бўйича самарали чоратadbирларни ишлаб чиқиш, шу жумладан, Касбга йўналтириш марказларини ташкил этиш орқали.

56. Меҳнат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида аҳоли ва иш берувчиларнинг хабардорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари (ёшлар, аёллар, ногиронлар ва бошқалар)ни чекка ҳудудларда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш орқали ишга жойлаштириш.

57. Минимал иш ўринларини белгилашда қонунчиликда белгиланган 7 фоиз нормадан ошиб кетишга йўл қўймасликни назорат қилиш.

58. Хизмат кўрсатиш моделини такомиллаштириш, меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни бошқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат органлари ходимлари меҳнати унумдорлигини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш ва бандлик органлари салоҳиятини кучайтириш.

59. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси

фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 1 март ПҚ-149-сонли Қарорида белгилаб берилган вазифалар доирасида хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзолари учун ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

60. Вилоят аҳолисининг хорижга меҳнат миграциясига оммавий равишда кетишини олдини олиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган давлат сиёсати амалга оширилишини, шу жумладан, Наманган вилоятида рақобатбардош иш ўринларини барпо этишга кўмаклашиш орқали таъминлаш.

61. “Яшил ишлаб чиқариш” тамойилларини жорий этиш жараёнида энергия тежамкорлиги технологияларига ўтишда иш ўринлари қисқартирилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

V. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

62. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш.

63. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси вилоят дастурини ишлаб чиқиш.

64. Бахтсиз ҳодисалар ҳисоботини юритиш, сабабларини таҳлил қилиш ва ечим топиш бўйича Ҳукуматнинг тегишли ҳужжатини қабул қилиш учун таклифлар тайёрлаш.

Бунда бахтсиз ҳодиса ва касбга оид касалликларга чалиниш ҳолатларига оид маълумотларни олишнинг ягона тизимини ишга тушириш, сунъий интеллектни жорий этиб, бундай ҳолатларни тезкорлик билан аниқлашни назарда тутиш.

65. Вилоятдаги тармоқ касаба уюшмалари ва Меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассисларининг меҳнат муҳофазасини кучайтириш бўйича таклифларини умумлаштирган ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига тақдим этиш.

66. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда иш берувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни доимий молиялаштириш.

67. Иш ўринларининг автоматлаштирилиши, меҳнат жараёнида сунъий интеллектдан фойдаланиш натижасида иш ўринлари йўқотилиши сабабли янги иш ўринларини хавфсиз меҳнат шароитларини яратган ҳолда ташкил этиш чораларини кўриш.

68. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ҳудудий уч томонлама комиссиялар таркибида тузиладиган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкилотларда меҳнат шароитларини яхшилашга ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш.

69. Ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жабрланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланишларини олдини олиш, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш ва жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш.

70. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ҳудудий уч томонлама комиссиясининг ваколати доирасида давлат ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш:

касб касалликлари рўйхатини шакллантиришда тегишли тармоқ касаба уюшмалари билан келишиб олинishi;

ташкилот раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисида тўлиқ ахборот олинishi;

корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тадбирларнинг молиялаштирилиши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизимини таъминланиши;

иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назоратни амалга оширилиши;

ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлиги бор шахслар банд бўлган зарарли, хавфли ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши;

дастлабки тарзда (*ишга кираётганда*) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилиши;

иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолати юзасидан кўзда тутилган мажбуриятларини бажаришини ўрганиш;

ташкilotларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил этилганлиги;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш, ўқитиш ва билимларни текшириш, малака ошириш ҳамда қайта тайёрлаш ишларини ташкиллаштирилганлиги;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мавжуд касб ва иш турлари бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқилишини ўрганиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларни сайланиши ва уларни ишларини тўғри йўлга қўйилганлиги;

меҳнатни муҳофаза қилиш норматив талабларига мувофиқ бўлган меҳнат хавфсизлигини ва шарт-шароитларини, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини яратиши ва унинг ишлашини таъминш ҳамда ММҚ тизими доирасида иш берувчи хавфни идентификация қилиш, касбга оид (касбий) хавф-хатарларни баҳолаш ва бошқаришни ташкил этилиши;

ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни берилиши ҳамда уларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар берилгани, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтганлиги;

ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминланиши, шунингдек, жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилиши ҳолати;

ишлаб чиқариш объектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида мустақил эксперт сифатида иштирок этилиши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш натижадорлиги;

ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларининг бузилиши ва бахтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга мурожаат қилиниши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ваколатли вакилларни сайлаш, ўқитиш, ва уларни малакасини доимий равишда ошириб бориш ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларига улар ўз фаолиятини самарали амалга ошириши учун қулай шароитларни яратиш мажбуриятини киритилиши.

71. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

72. Касаба уюшмалари тизимида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича жамоат назоратини ташкил этиш юзасидан уч томонлама ҳамкорларни жалб этган ҳолда Республика кўрик-танловининг ҳудудий босқичини ташкил этиш ва ўтказиш.

73. Ҳар йили 28 апрель “Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни”га бағишлаб ҳафталик ташкил этиш ва барча ташкилотларда нишонланишини ташкил этиш.

74. Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган меҳнат муҳофазасига оид Конвенциялари талаблари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш.

75. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ишларида иштирок этиш, муносиб меҳнат мақсадига етишда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши учун тизимли чора-тадбирлар ижросини таъминлаш.

76. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш.

77. Онлайн платформали бандлик шароитида меҳнат муҳофазаси талабларини белгилаш бўйича Ҳукумат томонидан уч томонлама ҳамкорлар билан келишган ҳолда норматив – ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишида тақлифлар билан иштирок этиш.

VI. Ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя

Ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

78. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги ПФ-175-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш Стратегиясида қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назоратга олиш.

79. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПҚ-2705-сон қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

80. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон - 2030” стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

81. Ҳар бир маҳаллада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бор шахслар, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган, кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан ҳар йили “Наврўз” ва “Мустақиллик” байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш.

82. Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган оилаларга, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

83. Давлат ижтимоий ёрдамларини, субсидиялар ёки имтиёзли кредитларни олувчи шахслар билан Ижтимоий контрактлар тузилишини таъминлаш.

84. Фавқулодда ҳолатлар юзага келган тақдирда аҳоли учун Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тинчликни ва қарши ҳаракат салоҳиятини таъминлаш мақсадида бандлик ва муносиб меҳнат тўғрисида”ги 205-сон Тавсияси асосида ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ички туризмни ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш

Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

85. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг фойдали ҳамда мазмунли хордиқ чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш ҳамда 11 ноябрь – “Қасаба уюшмалари куни” байрами муносабати билан вилоят миқёсида ва ташкилотларда турли тадбирлар ўтказиш.

86. Ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш (спорт майдончалари ташкил этиш, махсус спорт хоналарини ажратиш), турли спорт секциялари ва тўғаракларига жалб этиш, меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини жорий этиш ҳамда жисмоний тарбия жамоалари фаолиятини йўлга қўйиш.

87. Жамоа шартномаси ва келишувларида назарда тутилган маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ички туризмни ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда бошқа мақсадлар учун иш берувчи ҳисобидан маблағлар ажратиш.

88. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 17 октябрь куни Ўзбекистон қасаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан бўлиб ўтган учрашувидаги берилган топшириқларига асосан давлат-ҳусусий шерикчилик асосида вилоятда ҳар йили биттадан санаторий ва болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари қуриш.

89. Ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш.

90. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари, шунингдек, республиканинг экология жиҳатдан ноқулай минтақаларида истиқомат қилувчи болалар соғломлаштирилишига доимий равишда қўмаклашиш.

91. Иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш ва соғломлаштиришларини ҳамда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасидаги саёҳатлари учун шароит яратишларини тавсия этиш.

92. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши томонидан касаба уюшмалари боғини ташкил этиш. Ҳар бир худудда касаба уюшмалари боғларини ташкил этиш мақсадида белгиланган тартибда ер майдонларини ажратиш.

93. Корхона ва ташкилотларда касаба уюшмалари ташаббуслари билан ишхона ва маҳаллаларда яшил худудларни кенгайтириш ҳамда тозалик ва ободончилик ишларини ташкил қилиш.

94. Корхона ва ташкилотлардаги касаба уюшмалари жамоалари ўртасида “Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси” танловини ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантириш.

VIII. Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

95. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус”и бўйича дастурларидан келиб чиқиб, ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан:

ишлаётган ёшлар фаолиятидаги, олий ва касб-ҳунар таълими муассасалари талабаларида салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишонч сўнишининг олдини олиш, иш ҳақи, меҳнат шароитларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотиш мақсадида ёшлар ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини амалга ошириш.

ёшларнинг хорижий тил, компьютер саводхонлиги ҳамда замонавий билимларни мукамал эгаллашларига турли хил ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улар орасидан салоҳиятли ёшларни танлаб олган ҳолда кадрлар захирасини шакллантиришни жамоа шартномаларига киритилишига эришиш.

96. Жамоа шартномалари ва келишувларида қуйидагилар назарда тутилишини таъминлаш:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш.

меҳнат жамоаларидаги гендер аудит натижаларини муҳокама қилиб, иш берувчилар билан биргаликда хотин-қизларга янада қулай меҳнат шароитларини яратиш бўйича амалий чораларни белгилаш.

97. Жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

ёш болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

хотин-қизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш,

хотин-қизлар учун саёҳатларни ташкил этиб бориш;

хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек, сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фойсиз ссудалар бериш.

98. “Касаба уюшмалари – аёллар манфаати йўлида” шиори асосида хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича янги тизимни жорий этиш, унда меҳнат бозорида хотин-қизлар учун тенг имкониятлар яратиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашиш бўйича янги ёндашувларни жорий этиш, қишлоқ жойларида аёллар бандлиги ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастурларини янада кенгайтиришни назарда тутиш.

99. “Аёллар дафтари” орқали ёрдам кўрсатиладиган аёллар тоифаларига уй-жой ва яшаш шароитини яхшилашга, тиббий ва психологик ёрдамга муҳтож, тазйиқ ва зўравонликка учраган ҳамда ҳуқуқий ёрдамга муҳтож аёлларни ҳам қўшишни назарда тутиш.

IX. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш

Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маърифий йўл билан ҳал этиш услуби ҳисобланган ижтимоий мулоқот ғоясига содиқлигини эълон қилиб, ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

100. Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўқинлик қилинишига йўл қўймаслик.

101. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ҳудудий уч томонлама комиссиянинг роли ва самарадорлигини оширишга ва бошланғич даражадаги ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар тузилишига кўмаклашиш.

102. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, шунингдек, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари (кластерлар) иш берувчиларига касаба уюшмаси ташкилотини тузиш юзасидан тавсиялар бериш.

103. Норасмий тарзда банд бўлган (айниқса қурилиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш, фермер хўжаликлари ва бошқа соҳаларда), шунингдек, кунлик ишчилар ҳамда ўзини ўзи банд қилган фуқароларни касаба уюшмаларига жалб қилиш чораларини кўриш.

104. Ягона музокара жараёнини тадбиқ қилиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

барча жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни;

тегишли касаба уюшмалари ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасидаги ҳудудий тармоқ жамоа келишувларини - тегишли йилнинг январь ойидан, корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини эса – март ойидан кечиктирмай тузишни;

ҳудудий тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларини бажариш яқунларини касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг қўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат жамоаларининг умумий йиғилиш (*конференция*)ларида ҳар йили 1 апрелдан кечиктирмасдан кўриб чиқилишини.

105. Қарорлар қабул қилиш жараёнида касаба уюшмаларининг иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари, вилоят кенгашлари ҳамда бирлашган касаба уюшма кўмиталари раисларини бошқарма ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳайъатлари мажлисларида иштирок этишини;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини корхонанинг бошқарув органлари таркибига киритилишини.

106. Маҳаллий ҳокимият, бошқарма, идоралар ҳамда тармоқ касаба уюшмалари коллегиял органларининг кўшма йиғилишини ўтказиб борадиган ва йиллик кўшма дастур тасдиқланадиган янги тизимни йўлга қўйиш.

107. Долзарб ижтимоий иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг маҳаллий ҳокимият, бошқарма ҳамда идоралар вакиллари билан жамоатчилик эшитувларини ташкил этиб бориш.

108. Ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисоб варағига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш.

Х. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги

109. Мазкур келишув 2026-2028 йиллар учун тузилган бўлиб, навбатдагиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Келишув Наманган вилоятининг бутун ҳудудида амал қилади.

110. Тарафлар мазкур Келишувни ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб, сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати деб эътироф этадилар ҳамда мазкур Келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

111. Мазкур келишув имзолангандан сўнг Тарафлар келишувда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Андижон вилояти ҳокимлиги вилоятдаги барча давлат бошқаруви органлари ҳамда туман, шаҳар ҳокимликларига ижро учун юборилишини, улар томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланишини таъминлайди.

112. Мазкур келишувнинг айрим меъёрий ҳолатлари жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширилиши лозим.

113. Мазкур Келишувга имзо чеккан ҳар бир Тараф унинг мақсадлари рўёбга чиқарилиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

114. Тарафлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камида бир марта ушбу келишув бажарилишининг бориши ва яқунларини муҳокама қилиб бориш;

в) ушбу келишув бажарилиши таъминланиб борилаётган тақдирда, иш ташлаш амалларидан воз кечиш.

115. Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

116. Мазкур Келишув бажарилиши устидан назоратни ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳудудий уч томонлама комиссияси амалга оширади.



Наманган вилояти қамбағаликни қисқартириш

ва бандлик бошқармаси томонидан

18.03.2026 й. 1810-018-22 - сон

билан рўйхатга олинган

